# Qishloq hayoti

**2013 йил — Обод турмуш йили**

*Қишлоқ ҳаёти*

*O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi*

www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 24-DEKABR, SESHANBA, 154 (8235)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Мана қиш чилласи ҳам бошланмоқда. Ушбу давр қатор қишки агротехник тадбирлари билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, тиним даврига кирадиган ғалла майсаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

2



Яна бир йилни кузатмоқдамиз. Ўтган йилни таҳлил этиб, янги мақсадлар сари қадам ташлаяпмиз. Сарҳисобимизда эса бугундан кўнгилимиз тўқ. Жорий йилда мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этишди. Ҳосил мўл ва сифатли бўлди. Унинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

3



Халқимизни, айниқса, ёш авлод ва Қуролли Кучлар шахсий таркибини она юртга меҳр-муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Ватанни кўз қорачиғидек асраш, жасурлик ва фидойилик фазилатларини янада кучайтиришда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар муҳим аҳамиятга эга.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Қашқадарё Вилояти









Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

# ИСТЕЪДОДЛАРГА ҚАНОТ «ЮРТ КЕЛАЖАГИ»

*Қарши шаҳрида "Юрт келажаги" кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари босқичларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ёшлар иштирок этишди.*

Ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдек йирик лойиҳа асосида ташкил этилган мазкур танлов 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида ўтказилди. 4 та номинация ва 15 та йўналишдан иборат бўлган ушбу танловда ёшлар ўзларининг "Архитектура ва дизайн", "Ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлар ва техник ишланмалар", "Анъанавий амалий санъат" ҳамда "Адабиёт ва публицистика" бўйича ва бошқа турли лойиҳалари билан қатнашдилар.

– Мен кулолчилик ва миниатюра йўналишида ижод қиламан, – дейди самарқандлик Бобур Тоиров. – Терига ёки ёғочга, шунингдек, сопол буюмларига ишланган миниатюралар, нақшлар кўза, гултувак ва қандилларда акс этаётган бўртма нақшлардан иборат миллий безак турлари урфга айланмоқда. Улардан ҳозирги кунда меҳмонхона, ресторан ва чойхоналарга берилаётган безакларда кенг фойдаланилмоқда.

Сурхондарёлик Шаҳло Шоимқулова эса Бойсундаги миллий ҳунармандчилик марказида ота-боболаримиздан минг йиллар оша бизгача етиб келган маданий мерослардан бири – тўқувчилик билан шуғулланмоқда. Унинг бадиий кўргазмалари мамлакатимиз вилоятлари ва пойтахтимизда ташкил этилган.

– Техник ишланмалар йўналишида бош соврин соҳиби бўлдим, – дейди Чироқчи енгилсаноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Феруз Муродинов. – Танловда олий ўқув юрти талабалари ҳам ўз лойиҳалари билан иштирок этишган эди. Ҳатто мен ишлаётган "Автомобилларда ис газини тўсиб қолиш ва тозалаш" лойиҳасига ишончсизлик билан қараганлар ҳам бўлди. Аммо бу мавзуни анчадан буён такомиллаштирганим туфайли танлов ҳакамларида ишонч ҳосил қилолдим. Бундан ташқари, бошқа вилоятлардан келган тенгдошларимнинг ишлари билан ҳам яқиндан танишдим.

Айниқса, сурхондарёлик иштирокчиларнинг қуёш энергияси ёрдамида чўл ҳудудларида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ғўзани томчилатиб, ғаллани ёмғирлатиб суғориш лойиҳаси менга маъқул бўлди.

Ҳа, ёшларнинг бундай изланувчанлиги танловда кўпчиликни ҳайратга солди. Мисол учун грипп эпидемияси даврида бинолар ичидаги муҳитни вентиляция йўли билан тозалаш ғояси ҳамманинг ҳам хаёлига келавермайди. Жиззахлик Мурoджон Болтабоевга эса бу лойиҳа устида ишлаш анча мароқли.

Тадбир сўнгида ёш олимлар, рассомлар ва ҳунармандларнинг кўргазмаси ташкил этилиб, ғолибларга диплом ва совғалар топширилди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги концерт дастури эса барчага манзур бўлди.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Сурхондарё Вилояти

МУНОСАБАТ

# «БИЗ ЭНДИ САНОАТЧИ, ЭКСПОРТЧИ ФЕРМЕРЛАРГА АЙЛАНМОҚДАМИЗ»

**Президентимизнинг Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида барча юртдошларимиз дилидаги гаплар айтилди.**

Хусусан, сурхондарёлик фермерлар ўзларига билдирилган ишончдан руҳланиб, унда кўрсатилган йўл-йўриқларни фаолиятида қўллашга киришиб кетдилар. Айниқса, Юртбошимизнинг, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча меҳнаткашларга фидокорона меҳнати учун чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдиришни ўз бурчим, деб биламан, дея таъкидлаганлари фермерларни янги йил остонасида янги марраларни мақсад қилишга, уларни янги орзулар билан ишлашга ундаётир.

Бугунги фермер – қишлоқда етакчи куч. Яъни фермер қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган кучга айланиб бормоқда.

Буни Сурхондарё вилояти фермерлари фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин. Вилоятда бугунги кунда беш мингга яқин фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларнинг меҳнати билан бугунги кунда республикамизда тайёрланадиган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 8 фоизи етиштирилмоқда. 2013 йилда 338 минг тоннадан зиёд пахта, 493 минг тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди. Юртимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқ мулкдорларининг истиқболли лойиҳаларини, қўшимча тармоқларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони катта имкониятлар эшигини очди. Мана шундай ишлар самараси ўлароқ, кўплаб фермерлар фаолиятида мева-сабзавот, узум, полиз, картошка етиштириш ҳажми ошди, уларни сақлаш ва қайта ишлаш учун замонавий технологиялар келтирилди. Биргина жорий йилда Сурхондарё вилояти бўйича 640 гектарга яқин мевали боғ, қарийб 245 гектар токзор, 155 гектар интенсив боғлар барпо этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида бугун вилоятда саноатчи фермерлар, экспортчи фермерлар сафи кенгайиб бормоқда.

– Мамлакатимизда бизга яратилган имкониятлар туфайли мен бугун ўзимни аграр фермер эмас, саноатчи фермерман, деб баралла айта оламан, – дейди Шеробод туманидаги "Абраев Эшбой" фермер хўжалиги раҳбари Тўрамурод Абраев. – Мана исботи: жорий йилда фермер хўжалигимиз томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 60 фози деҳқончиликка тўғри келса, унинг 40 фоизи қайта ишлаш, сервис хизмати улушига тўғри келади. Келгусида ишлаб чиқаришда саноатнинг улушини янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз. Қайта ишлашни йўлга қўйиш, сервис хизматини ташкил этиш орқали 37 та янги иш ўрни яратдик. Уларга ёшларни, хусусан, коллеж битирувчиларини жалб қилмоқдамиз. Бунинг учун эса коллежлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Жумладан, туманимиздаги коллежларда ўқувчиларга амалий тажрибамиздан келиб чиқиб, амалиёт дарсларини ташкил этдик. Уларнинг ўқув амалиётини фермер хўжалигимиз даласида, қайта ишлаш корхонасида ўташлари учун шароит яратдик. Бундай имкониятларни бизга Юртбошимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони берди, десак тўғри бўлади.

Деҳқон ерим дейди, ерини яхши кўради. Меҳрини ерга беради. Меҳр берилган далалар ҳам ўз саховатини аямайди. Сурхондарёлик деҳқонлар ҳам тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга жиддий ёндашмоқдалар. Бунда давлатимиз томонидан берилаётган эътибор муҳим аҳамият касб этаётир. Кейинги беш йилда айни шу мақсад учун Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида Сурхондарё вилоятига 75 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 513 километр коллектор-дренаж тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани ҳам фикримизнинг исботидир. Бунинг натижасида вилоятда пахта ҳосилдорлиги ўртача 2-3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 3-4 центнерга ошди. Бу ҳам фермерларни руҳлантираётгани айни ҳақиқатдир.

– Тажрибадан биламанки, юқори ҳосилдорликнинг бош омили – тупроқ унумдорлигидир, – дейди Узун туманидаги "Қурбоной Ашуралиева" фермер хўжалиги раҳбари Маматқул Жўраев. – Бу борада юртимизда муҳим дастурлар асосида тарихий ишлар амалга оширилди. Минглаб гектар ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди. Улар орасида бизнинг фермер хўжалигимизга қарашли ерлар ҳам борки, бу экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимизнинг нутқида айни шу жиҳатга эътибор қаратилгани эса ерга ва элга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин исботи, деб биламан.

Сирасини айтганда, Юртбошимизнинг йўл-йўриқлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирадиган, уни қайта ишлаб, қишлоққа саноатни олиб кирадиган, қишлоқ инфратузилмасини янада такомиллаштирадиган, кўплаб янги иш ўринлари яратадиган, қишлоқни обод этадиган фермерларни руҳлантириб, уларни янада шижоат билан ишлашга ундамоқда.

– Фермерлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор биз, мулкдорларни фақат хомашё етиштириш билан чекланмай, уни қайта ишлашни ташкил этиш, қишлоққа саноатни олиб кириш ишларини янада жадаллаштиришга руҳлантирди, – дейди Олтинсой туманидаги "Лочинбек"фермер хўжалиги раҳбари Рустам Шомуродов. – Давлатимиз раҳбарининг кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун қулай имконият туғдириб бериш, фермерларнинг малакаси ва савиясини ошириш зарурлиги ҳақида айтган сўзлари биз фермерлар янада масъулият билан ишлашимиз кераклигини кўрсатади. Бизга ишонч билдирилаётган экан, биз ҳам унга муносиб жавоб беришимиз, ишончни оқлашимиз лозим.



Жарқўрғон туманидаги "Искандар Исроил" фермер хўжалигида ҳам замонавий технологиялар билан жиҳозланган сутни қайта ишлаш цехи фаолият юритмоқда.

**СУРАТДА:** *фермер хўжалиги ишчиси Дилноза Мирзаева.*

**Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.**

**Чори ЖУМАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Миллий матбуот марказида "Кафолат" давлат-акциядорлик суғурта компанияси томонидан суғурта фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган анжуман ташкил этилди.*

# МУСТАҲКАМ ФАОЛИЯТГА КАФОЛАТ

Унда таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда суғурта соҳасига қаратилаётган эътибор туфайли ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизни барқарорлаштиришда ва халқимиз фаровонлигини оширишда суғурта компанияларининг ҳам ҳиссаси ортиб бормоқда.

Аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш, мижозларининг доирасини кенгайтириш борасида компания жорий йилда 572,5 мингга яқин шартномалар имзолаб, 25,9 миллиард сўм суғурта мукофотлари жамлади. Бу ўтган йилга нисбатан 142,7 фоизга ўсишни кўрсатади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, компанияда сўнгги йиллардаги молиявий кўрсаткичларнинг барқарорлиги ҳамда ишга масъулият билан ёндашилаётгани боис, "SAIPRO" Ахборот-рейтинг агентлиги томонидан тўлов қобилиятига эгалиги бўйича миллий рейтингнинг "UzA+" (энг юқори молиявий барқарорлик) даражаси қайта тасдиқланди.

Шунингдек, компания аҳоли ва ташкилотларга янада яқинлашиш, уларга қулай суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа, Андижон вилоятининг Қўрғонтепа, Андижон туманлари, Фарғона вилоятининг Бешариқ, Ўзбекистон туманлари, Самарқанд вилоятининг Тайлоқ, Хоразм вилоятининг Янгиариқ ҳамда Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри ва Қизириқ туманларида 9 та янги агентлик тармоқлари фаолиятини йўлга қўйди. Эндиликда шундай агентликлар сони 154 тани ташкил этмоқда.

Ҳозирда компания аҳоли ҳамда юридик шахсларга ҳар томонлама қулай, пасайтирувчи коэффициентларни ўз ичига олган ҳамда томонларнинг манфаатларига тўлиқ мос келувчи суғурта хизматларини таклиф этаётир. Чет эл ва ички суғурта бозорларида шаклланган тажрибалардан фойдаланган ҳолда янги, замонавий суғурта турлари ишлаб чиқилмоқда.

Тадбирда суғурта даъволарини сифатли ва тезкор кўриб чиқишни таъминлашни янада такомиллаштириш мақсадида компаниянинг минтақавий тармоғини кенгайтириб бориш, кадрлар малакасини ошириш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш каби масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

**Ҳасан АБДУҒАНИЕВ**

# ЮКСАК БАҒРИКЕНГЛИК НАМУНАСИ

ҚАРОР ВА ИЖРО

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизими яратилгани ҳар бир фуқаронинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2013 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мазкур қарор ижросига бағишлаб ўтказилган идоралараро йиғилишда шулар ҳақида сўз борди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Ҳ.Ҳалимов, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Ш.Ғозиев, ички ишлар вазирининг ўринбосари А.Шодиев ва бошқалар суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга, инсонпарварлик, меҳр-шафқат ва бағрикенглик тамойилларини мустаҳкам қарор топтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган амнистия тўғрисидаги қарордан кўзланган мақсад билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган шахсларни жазодан озод этиш орқали қайта тарбиялаш, уларни соғлом фикр, янгича қарашлар билан жамиятга қайтаришдан иборат. Бундай бағрикенгликдан баҳраманд бўлганлар қайта жиноятга қўл урмасликка, ҳалол меҳнат билан жамият равнақига ҳисса қўшишга ҳаракат қилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати қарорининг мазмун-моҳияти, унинг ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар батафсил муҳокама қилинди.

Ушбу амнистия акти очиқ-ошкоралик тамойиллари асосида қўлланилиши жараёнида жамоатчилик назорати, хусусан, депутатлар корпусининг бевосита иштирокини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўрилаётир. Бу борада сенаторлар, депутатлар, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлари тузилган.

Амнистияни қўллаш жараёни устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш институтининг шакллантирилгани мамлакатимизни демократлаштириш жараёнида инсон ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан нодавлат ташкилотларининг роли ва таъсири тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, суд, прокуратура ва ички ишлар тизимидаги тегишли хизматлар раҳбарлари, жазони ижро этиш муассасалари бошлиқлари иштирок этган йиғилишда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ўзаро ҳамкорликда зарур ташкилий-ҳуқуқий тадбирларни ўз вақтида амалга ошириши зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда жазони ижро этиш жойларидан қайтиши кутилаётган шахсларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни рўёбга чиқаришга оид вазифалар белгилаб олинди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАЙСАЛАР ТИНИМ ДАВРИДА

## АММО ҒАЛЛАКОР ТИНИМ БИЛМАСА, МЎЛ ҲОСИЛГА ПУХТА ЗАМИН ҚЎЙИЛАДИ

**Мана қиш чилласи ҳам бошланмоқда. Ушбу давр қатор қишки агротехник тадбирлари билан ҳам аҳамиятлидир. Жумладан, тиним даврига кирадиган ғалла майсаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.**

АГРОМАСЛАҲАТ



Таҳлилларга кўра, республикамизда бугунги кунда ғалла экилган майдонларнинг 15-20 фоизида майсалар 7-8 тадан (эртапишар навлар), 65-70 фоизида 3-4 тадан ва 10-15 фоизида эса 1-2 тадан туплаган ҳолатда ривожланмоқда.

Шу кунлардаги парваришни айни шу жиҳатларга қараб ўтказиш зарур бўлади. Ҳозирги кунда 7-8 тадан ва ундан ортиқ туплаган, бўйи 15-20 сантиметрга етиб қолган ғалла майсаларига ортиқча ишлов бермаслик лозим. Чунки ушбу ўсимликлар эрта униб чиққан, ҳаво ҳарорати етарли бўлганлиги сабабли қишгача яхши туплаб, ҳатто найчалашга ҳам улгурган бўлиши мумкин. Ишлов давом эттирилса, ўсимлик ҳужайралари таркибидаги шакар миқдори камайиб, у совуққа чидамсиз бўлиб қолади ва қишдан ёмон чиқади.

Ғалла майдонларида сарғайиш аломатлари кузатилса, гектарига 12 килограмм (физик ҳолда) меъёрида карбамид эритмаси билан суспензия берилиши лозим. Шунингдек, майсалар униб чиқмаган майдонларга ўша навли уруғдан сепиш зарур.

Яна бир муҳим агротехник тадбир шуки, иш кам кунлардан фойдаланиб, дала четларини қуриган хас-хашаклардан тозалаш даркор. Боиси, уларда ғалла зараркунандалари личинкалари, касаллик замбуруғлари қишлайди.

Суғориш тармоқлари бошига 5 гектар майдон ҳисобига 1 донадан "шарбат" ўралар қазиш ҳамда гектарига 5 тоннадан маҳаллий ўғит чиқариб, унинг захирасини яратиш мақсадга мувофиқ. Кечки муддатларда экилган, ривождан орқада қолган, қишловга тупламасдан кирган сийрак униб чиққан майдонларнинг ҳар гектарига камида 10 тонна маҳаллий ўғит чиқариш лозим.

Айтиш ўринлики, ғўза қатор ораларига экилган ғалла майдонларида далани ғўзапоядан тозалаш ишларини тўлиқ тугатиш муҳим тадбирлар жумласидандир.

Ғаллани азотли ўғитлар билан биринчи озиқлантириш ишлари февраль ойининг ўрталарига тўғри келишини ҳисобга олиб, мавжуд ўғит сепиш мосламалари, ўғит ташиш учун мўлжалланган тракторларни тўлиқ таъмирлаш ишларига жиддий киришиш керак бўлади. Қолаверса, озиқлантириш тадбирлари учун етарли база яратиш зарур.

Эрта экилган ғаллани парваришини об-ҳаво шароитига қараб, Жанубий минтақаларда (Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари) февраль ойининг биринчи 10 кунлигидан, шарқий минтақаларда иккинчи 10 кунлигидан ва Шимолий минтақаларда (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти) 20-28 февралда парвариш қилишга киришиш лозим.

Мақбул муддатларда экилган қишловга 3-4 ва ундан ортиқ туплаган, нормал ривожланган ғаллазорларга об-ҳаво шароитига қараб, суспензия (25 килограмм карбамидни 600 литр сувга эритиб 2 гектар майдонга) сепиш, агар ер ости сувлари 1,5-2 метр чуқурликдан паст жойлашган майдонларда тупроқда нам етарли бўлмаса, тупроқда намликни сақлаш ва буғдойни сув билан таъминлаш учун бундай майдонларда гектарига 300-400 м³дан сув югуртириб, суғориш ишларини амалга ошириш тавсия этилади.

Кечки муддатларда экилган 1-2 донадан туплаган майдонларга эса гектарига 100 килограмм (физик ҳолда) меъёрда азотли ўғитлар билан озиқлантирилиб, кўллатмасдан суғориш тавсия этилади.

Эрта баҳордаги азотли озиқлантиришда, биринчи навбатда, кеч муддатларда экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонларда, ундан кейинги уруғлик етиштириш учун экилган майдонларда ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши тавсия қилинади. Қишловга тупланмасдан кирган ҳамда қишловдан қийинчилик билан чиққан майдонлардаги ўсимликларни, қўшимча тартибда гектарига 100 килограмм (физик ҳолда) меъёрда озиқлантириш яхши самара беради.

Эрта баҳорда тупроқ таркибидаги озуқа моддалари миқдори камайиб кетишидан ташқари, ўсимлик нозик ҳолда қишдан чиқади ва озуқа моддаларига муҳтож бўлади. Эрта баҳорги озиқлантириш кўчат қалинлигини барқарорлаштириш билан бирга ўсимликда тупланиш жараёнини жадаллаштиради. Бунинг натижасида бир квадрат метр майдонда ўртача 550-600 донагача маҳсулдор поя ҳосил қилишга эришиш мумкин.

Эрта баҳорги озиқлантиришни ўз муддати ва меъёрида амалга ошириш ҳисобига бир гектар майдондан 4-6 центнергача қўшимча ҳосил олишга замин яратилади. Агар ўсимликларда ўсиш жараёни кеч бошланса, бу даврга келиб ҳаво ҳарорати тез кўтарилади, натижада ривожланиш фазаларини ўтиш вақти ва озуқа моддаларини ўзлаштирилиши пасаяди. Шу даврда ўсимликда тупланиш ва генератив органлар ривожланишини кучайтириш мақсадида азот меъёрини йиллик меъёрига нисбатан 25 фоиз эмас, 30 фоизга оширилиши тавсия қилинади.

Озиқлантиришдан сўнг ҳар бир минтақада тупроқ намлиги ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда гектарига 700-800 м³ ҳисобида суғорилади. Бу жараёнда қўшимча озиқлантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 60-70 фоизи "шарбат" усулида оқизилиши яхши самара беради.

Эрта баҳорда буғдой майсалари ривожланиши суст бўлган майдонларга, минерал ва маҳаллий ўғитлар берилиши ўсимликларни ривожланиш жараёнини тезлаштиради.

Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан эрта найчалаш фазасига киради. Бу эса эртапишар навларни бошқа навларга нисбатан 7-10 кун эртароқ озиқлантиришни талаб этади.

Бугунги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мўл ҳосил олинишига хизмат қилади.

**Равшанбек СИДДИҚОВ,**
**Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институти директори,**
**қишлоқ хўжалик фанлари доктори.**

Андижон Вилояти

**– Дала маданиятининг юксалиб бориши деҳқончиликдаги ютуқларимиз гарови бўлмоқда, – дейди Олтинкўл туманидаги "Чашма" фермер хўжалиги раҳбари Абдуфаттоҳ ота Зайнобиддинов. – Пилла ва ғалла тайёрлаш шартнома режалари ҳар қачонгидан кўра ортиғи билан бажарилди. Пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштирдик. Хўжалигимизда чорвачилик ҳам мавжуд. Бир сўз билан айтганда, қўлимиз узайиб, имкониятларимиз янада кенгайиб бормоқда...**

# ФЕРМЕРЛАР ЙИЛНИ САРҲИСОБ ЭТИШДИ

80 ёшга қараб бораётган отахоннинг дала маданияти ҳақида сўз очиши бежиз эмас. "Чашма" фермер хўжалигининг наинки фермер, сувчи, механизатори билан суҳбатга киришсангиз, бу ердаги ютуқлар сир-синоатига гувоҳ бўласиз. Ерни эъзозлаш, унга қувват бериш, ҳар қаричидан унумли фойдаланиш, етиштирилаётган ҳосил сифатига эътибор ҳавасингизни келтиради. Энг муҳими, ҳар бир агротехник тадбир ўз ўрнида ижросини топади.

Якунланаётган йилда 19 гектар ерда ғўза парвариш қилган хўжалик аъзолари пахта тайёрлаш режасини ва оширилган мажбуриятни вилоятда биринчи бўлиб бажаришди. Ҳар гектар ердан 45 центнердан биринчи нав пахта тайёрланиб, шартнома режаси 123,4 фоизга адо этилди. Буғдой барвақт экилиб, текис кўчат олинди. Чуқур ҳайдов ўтказилиб, сўнгра текисланди ва пушта олиниб, сув берилди.

Дала маданиятини кўтариш билан деҳқончиликка барака киритаётган фермерлар сафининг тобора кенгайиб бориши эса вилоят миқёсида эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда. Бўз туманидаги "Ферузбек Қодиров", Андижон туманидаги "Исломобод саховати", Пахтаобод туманидаги "Олтин", Марҳамат туманидаги "Мақсудов", Балиқчи туманидаги "Балиқчи сара уруғлари", Булоқбоши туманидаги "Муқаддас", Шаҳрихон туманидаги "Пахтакўл тонги", Избоскан туманидаги "Майгир Юсуфжон" сингари фермер хўжаликларида юқори ҳосил яратиш пойдевори мустаҳкам эканлигининг боиси ҳам дала маданияти билан чамбарчас боғлиқ.

Юқори центнерчилар ҳаракатида Қўрғонтепа туманидаги "Оқсув" фермер хўжалиги карвонбошилик қилмоқда. Ушбу фермер хўжалигида ғўза, ғалла ва озуқа экинлари парвариши ноанъанавий усулда олиб борилади. Фермерлар ўртасида "Оқсув" технологияси деб эътироф этилаётган янгилик мазкур хўжаликда ҳосилдорликнинг муттасил ортишига, сифати кўтарилишига туртки бермоқда. Бу мавсумда 74,4 гектар ерда ғўзанинг "Андижон-36" навини парвариш қилган фермер Алижон Аҳмедов бир терим билан ҳосилдорликни 51 центнерга етказди. Сифат кўрсаткичи ҳам 100 фоиз биринчи навни ташкил этди. Режадан ортиқча тайёрланган ҳосил миқдори 162 тоннага етди. Фойда олиш самарадорлиги эса салкам 40 фоизга етмоқда.

Дала маданиятини кўтаришда ўзига хос тажриба мактабини яратган Алижон Аҳмедовнинг шогирди, Андижон туманидаги Иброҳимжон Алимов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида ҳам ҳосилдорлик бобида энг юқори натижа қайд этилди. Ҳар гектар ердан 47 центнердан ҳосил олиниб, режага қўшимча 65,7 тонна пахта тайёрланди.

Олтинкўл туманидаги Фахриддин Исмоилов етакчилик қилаётган "Бахт имкон ривож" фермер хўжалигида ҳосилдорлик 40,1 центнерга етказилди. "Оқсув" технологиясини ўз хўжалигида татбиқ этишга киришаётган фермер келгуси йилдан бошлаб янги усулда ғўза парвариш қилишга тайёргарликни бошлаб юборди. Баҳорда 50 гектар ерда "Оқсув" технологияси бўйича чигит экилади.

Избоскан туманидаги "Чўнгбоғиш элита", Балиқчи туманидаги "Обиджон ота" каби фермер хўжаликларида ҳам илғор янгиликни жорий этишга тараддуд кўрилмоқда. Бундай илғор тажриба айни вақтда ғаллачилик ва сабзавотчиликда ҳам қўлланилмоқда.

Яқинда вилоят фермерларининг йил сарҳисобига бағишланган тантанали маросими бўлиб ўтди. Унда фермерлар бир пиёла чой устида давра қуришиб, эришган ютуқлари ҳамда келгуси йил режалари билан ўртоқлашдилар.

"Олтин фермер"ларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари топширилди. Даврага санъаткорларнинг куй-қўшиқлари янада файз киритди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ш.Абдураҳмонов иштирок этди.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма бир йиллиги муносабати билан жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача юртимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзуида тарғибот-ташвиқот ойлиги ташкил этилди.*

# ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ушбу ойлик якунларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари масъул ходимлари, лойиҳа тарғиботчилари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, ойлик доирасида тарғибот гуруҳи аъзолари шакллантирилди. Ушбу тарғибот гуруҳлари томонидан "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бошланғич ташкилотларида, ўқиш ва иш жойларида Конституциямизнинг мазмун-моҳияти, халқимиз ҳаётининг ҳуқуқий кафолати сифатида тутган ўрнини очиб беришга қаратилган учрашув, давра суҳбати ва бошқа ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, ёшларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳақидаги билим-кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг интернетдаги www.kamolot.uz сайти орқали "Конституция билимдони" он-лайн танлови ўтказилди. Танловда йигирма икки мингга яқин мамлакатимиз ёшлари иштирок этди.

Тадбирда ушбу танловнинг барча шартларидан муваффақиятли ўтган 21 нафар ёшлар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар. Тарғибот-ташвиқот тадбирлари энг яхши олиб борилган ҳудуд ва энг фаол тарғибот гуруҳи аъзолари, фаол иштирокчилар рағбатлантирилди.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА**

Қорақалпоғистон Республикаси

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАР

**Бугун кенг ва равон йўлларимизни тўлдириб ҳаракатланаётган автомобилларни кўриб, ҳавасингиз келади. Аммо узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган бу ҳаракат воситаларидан фойдаланишда жорий этилган маълум қонун-қоидаларга риоя этмаслик кўпгина бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Бу қоидалар эса ҳам ҳайдовчи, ҳам пиёдага тегишлидир.**



*Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, капитан Давронбек Шарипов мутахассислар билан маслаҳатлашмоқда.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан жорий йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар мамлакатимизда ўтказилаётган "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" доирасида Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси томонидан ҳам қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

– Асосий эътибор йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, рўй берадиган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилмоқда, – дейди Элликқалъа тумани ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, капитан Давронбек Шарипов. – Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси 2-сафарбарлик гуруҳи ходимлари билан ҳамкорликда туманимиз ҳудудида ҳафтасига бир марта мунтазам равишда кўчма рейдлар ўтказилиб келинмоқда. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш органларида, меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилиб, "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги"нинг мазмун-моҳияти, айниқса, ҳозиргидек қиш ойларида йўлларда янада эътиборли бўлиш кераклиги тушунтирилмоқда. Натижада туман ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони сезиларли камайишига ҳам эришилмоқда. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 340 та давлат автомашинаси, 4728 нафар фуқаронинг шахсий автомобили, 73 та мотоцикл ва транспорт тиркамалари техник кўрикдан ўтказилди. Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузган 32 нафар фуқаро ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинган бўлса, 10 нафар фуқарога жарима жазоси тайинланди.

Буларнинг барчаси бир мақсадга – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда пиёдалару ҳайдовчиларнинг масъулиятини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Фарғона Вилояти

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРИ

# ДАЛАСИ ОБОД ДЕҲҚОННИНГ ТУРМУШИ ҲАМ ОБОД БЎЛАДИ

**Бувайда тумани Оққўрғон қишлоғидаги "Муҳаммад Азиз" фермер хўжалигига икки томонида қалин, баланд бўйли мирзатераклар ўсиб турган "илонизи" йўлдан кириб бордик. Чап томонда дала шийпони, ўнгда эса 13 гектарлик чел олинган ерга деҳқонлар яхоб суви тарашаётгани кўринди. У томонга йўл йўқ. Узоқда одамлар кетмон ва белкураклар билан сув очяпти.**

Шунда ҳамроҳимиз Бувайда тумани фермерлар кенгаши раиси Абдусамад Абдуллаев изоҳ бериб ўтди:

– "Муҳаммад Азиз" фермер хўжалиги туманимизда энг илғор хўжаликлардан ҳисобланади, – деди у. – Фермер Бахтиёржон Султонов лафзи ҳалол йигит, бирон йил йўққи, шартнома режаларини бажармаган бўлса. Қачон қарасангиз, далада, дам сувчилар билан, дам механизаторлар билан иш устида. Шунинг учун маҳалла аҳлидан тортиб туман, вилоят раҳбарларигача уни ҳурмат қилишади.

### СИНФДОШЛАР – САФДОШЛАР

Яхоб суви техникада квадрат шаклида олинган катакларга шитоб билан кириб, сингиб тўляпти. Ер ҳали музламагани учун сувга қонаётгани билиниб турибди, музлаган ерга сув сингмайди, катаклар дарров тўлади. Сув музлаганда ердаги бегона ўтлар уруғи тўла чириб, ҳашарот тухумига қирон келади.

Фермер сувчилар билан ишларди. Бизни кўриб, тўхташди. Ёнидагиларни таништирди:

– Булар хўжалигимиз аъзолари, синфдошларим. 2000 йилда фермер хўжалиги ташкил қилаётганимизда беш синфдош охиригача бирга ишлаймиз, деб аҳд қилган эдик. Мана олтмишга кираётган бўлсак ҳам шижоатимиз ёшлардан кам эмас.

Шу гапдан кейин биз ҳам синфдошларга қизиқиб қолдик. Шарифжон Назаров ва Икромиддин Жўраевлар механизатор. Аъзамжон Ҳайдаров билан Мирзажон Тожибоевлар сувчи. Бахтиёр аканинг сўзларидан ҳам унинг камтарлиги ва меҳнатсеварлигини билиш қийин эмасди. У синфдошлари ва қўл остида ишлайдиган бошқа ишчиларнинг ҳам мақтовини келтирарди-ю, ўзи ҳақда бир оғиз гапирай демасди. Биз атайлаб гапни ўзига, меҳнат фаолиятига бурдик. Отаси Иномжон Султонов қишлоқ фаолларидан бўлиб, бухгалтер, ферма мудири, раис ўринбосари каби вазифаларда ҳалол ишлаб, эл орасида яхши ном қозонган экан.



### ОТА ИЗИДАН...

– Отам, отам қилган ишларни яхши кўрардим, – дейди фермер. – У меҳнаткаш инсон эдилар. Боғ қилишни, айниқса, анжирни яхши кўрарди. Катта-катта боғ қилсам дердию у пайтлар имконият йўқ эди. Ер ўзимизники эмасди. Мана отамнинг орзуларига биз етдик. Ерли, фермер бўлдик.

Фермер турмуш ўртоғи Нуриёхон билан беш фарзандни вояга етказган. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, бугунги кунда эл-юрт корига ярайдиган турли соҳаларда фаолият олиб бормоқда.

Фермер фарзандларининг ўзига ўхшаган тиришқоқ, меҳнатсевар эканлигидан хурсанд бўлиб гапирди. Айниқса, кенжа ўғли фермерликка қизиқаётганини фахр билан тилга олди. Шунингдек, Бахтиёр ака йигитлик чоғида спортнинг қўл жанги бўйича шуғулланиб, бир неча марта мусобақалар ғолиби бўлганлиги, ўғли Муҳаммаджон эса волейбол бўйича терма жамоа сафида Эрон ва Хитойга бориб, ғолиблар сафида қайтганлигини ҳам мамнуният билан таъкидлади.

### 101 ЦЕНТНЕРЛИК ҒАЛЛА ҲОСИЛИ

– 2000 йилдан бери бирон йил бўлмабдики, сиз пахта, ғалла етиштириш ва сотиш шартнома режаларини бажармаган бўлсангиз, – дедик фермер билан суҳбатлашаётиб. – Бунга қандай эришдингиз?

– Фақат ҳалол меҳнат билан, – деди фермер. – Дастлабки йили гектаридан 35 центнердан пахта ҳосили, 50 центнердан ғалла олдик. Ўшанда 18 гектар ерда деҳқончилик қилардик. 2008 йили ерларимиздан рекорд даражада ҳосил етиштирдик. Гектаридан 101 центнердан ғалла олдик, пахтадан эса 45 дан бўлди. Бултур 30 гектар ердан 48 центнердан пахта, 25 гектар буғдойзордан 85 центнердан ғалла етиштирдик ва шартномада кўрсатилган ҳосилни давлатга сотдик. Фермер хўжалигимизнинг 30 аъзоси ердан мўл ҳосил етиштирсаккина даромадимиз ошишини яхши билишади. Уларнинг турмушлари фаровон, камчиликлари йўқ.

### ФЕРМЕРЛИК ИЧИДА ФЕРМЕРЛИК

Фермер гап орасида "фермерлик ичида фермерлик ташкил қилганмиз" деб қолди. Бу гапнинг маъносини яна ўзи тушунтирди:

– Хўжалик аъзоларининг ҳар бирига маълум майдонни бириктирганмиз. Улар ўша майдонда эллик центнердан ошган буғдойни ўзи олади, пахтанинг соф даромадидан ҳам шундай ҳақ ажратамиз. Аъзолар мўл ҳосил етиштиришдан ўзи ҳам манфаатдор эканлигини яхши билгани учун хонадони, қўни-қўшнисиникидаги ҳайвон, товуқ гўнги, тўпланган чиринди борми даласига ташиб, экинга солади. Ҳар туп ниҳолга меҳр бериб парваришлайди. Ёзда келсангиз, далаларимизда биронта бегона ўтни кўрмайсиз.



Хўжаликнинг дала шийпони саҳни кенг, хоналари кўп эди. 2008 йилда шийпоннинг ўнг томонида олти сотихли иссиқхона ташкил қилинган экан. Ўша йилиёқ икки йиллик лимон кўчатлари экилгани учун мева берган кўчатлар бу йил айни кучга тўлибди. Яқинда салкам уч тонна лимон сотилибди. Бу ҳам фермернинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги ва уддабуронлигидан далолат.

### ҚИШ ФАСЛИ ҲАМ ИШ ФАСЛИ

Ҳақиқий бободеҳқон ёзни ёз, қишни қиш демасдан меҳнат қилади. Қиш фаслини иш фасли, деб далада меҳнат билан ўтказаётган фермер хўжалиги аъзоларини кўрган киши уларга тан бермасдан қолмайди. Бугун-эрта яхоб суви бериш тугалланади, ишчилар аҳоли хонадонларидан юз тоннага яқин маҳаллий ўғит жамғаришган, икки километр масофадаги ариқ-зовурларни тозалаб қўйишган. Моҳира Ҳасанова, Лутфия Тожибоева, Зиёда Эргашева, Дилора Мелибоева каби ишчиларнинг қиш совуғида ҳам икки юзлари қизариб ишлаётганини кўриб, 2014 йилда пахта ва ғалладан бу йилдан-да кўпроқ ҳосил етиштириш мақсадида эканлигини пайқаш қийинмас.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

▼ 14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

**Халқимизни, айниқса, ёш авлод ва Қуролли Кучлар шахсий таркибини она юртга меҳр-муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, уларда Ватанни кўз қорачиғидек асраш, жасурлик ва фидойилик фазилатларини янада кучайтиришда ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар муҳим аҳамиятга эга.**



Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 22 йиллиги ва 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказилган «Мардлар қўриқлайди Ватанни!» ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар танлови ҳам шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.

Қуролли Кучлар Марказий офицерлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Ички ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Бастакорлар, Ёзувчилар уюшмалари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танлов якунланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотлар юксак самаралар бераётир. Тадбирда истиқлолни, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, тинч ва фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи энг сара ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш, уларнинг муаллиф ва ижрочиларини рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Танловда саф қўшиқлари, аскар қўшиқлари, эстрада қўшиқлари, ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги қўшиқлар йўналишлари бўйича ғолиблар аниқланди ва уларга диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**З.ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

○ Реклама ўрнида

TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ
2014
«ТРАСТБАНК»
ХОАББ жамоаси
юртдошларимизни, шу жумладан, банк мижозларини яқинлашиб келаётган Янги йил билан муборакбод этади! 2014 йилда барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака тилайди. Янги йилда эзгу орзу-ниятларимиз рўёби амалга ошаверсин!
Хизматлар лицензияланган.

○ Реклама ва эълонлар

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
ASAKA BANK
«АСАКА» БАНК (ОАЖ)
Сизларни яқинлашиб келаётган Янги — 2014 йил билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:
ЯНГИ ЙИЛ «2014»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

| ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН | ФИЛИАЛЛАР | ТЕЛЕФОН |
|---|---|---|---|
| Тошкент шаҳри филиали | (371) 120-83-13 | Наманган вилояти филиали | (369) 226-94-75 |
| Автотранспорт филиали | (371) 120-39-95 | Навоий вилояти филиали | (436) 223-54-32 |
| Шайхонтоҳур филиали | (371) 140-39-36 | Зарафшон филиали | (436) 573-18-78 |
| Юнусобод филиали | (371) 221-80-67 | Бухоро вилояти филиали | (365) 223-71-94 |
| Сирғали филиали | (371) 258-67-49 | Бухоро шаҳри филиали | (365) 770-11-27 |
| Тошкент вилояти филиали | (371) 120-84-13 | Самарқанд вилояти филиали | (366) 231-08-86 |
| Андижон вилояти филиали | (374) 224-40-96 | Афросиёб филиали | (366) 221-77-56 |
| Асака филиали | (374) 233-13-69 | Қашқадарё вилояти филиали | (375) 221-12-93 |
| Фарҳод филиали | (374) 226-97-53 | Сурхондарё вилояти филиали | (376) 770-82-12 |
| Фарғона вилояти филиали | (373) 224-70-83 | Қорақалпоғистон филиали | (361) 770-60-59 |
| Марғилон филиали | (373) 237-12-37 | Хоразм вилояти филиали | (362) 226-97-78 |
| Олтиариқ филиали | (373) 432-10-11 | Сирдарё вилояти филиали | (367) 225-44-03 |
| Қўқон филиали | (373) 552-61-04 | Жиззах вилояти филиали | (372) 226-43-11 |

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.
СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!
«АСАКА» БАНК — САРМОЯНГИЗНИНГ САҚЛАНИШИ ВА КЎПАЙИШИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ.
Хизматлар лицензияланган.

"MULTIFOODS" МЧЖнинг (ИНН 301812174) Устав фонди 24 000 АҚШ доллари ва 22 054 753 сўмдан 24 000 АҚШ доллари 15 977 911 сўмга камайтирилади. Манзил: Тошкент ш. Юнусобод т. Ғайратий кўч. 89-уй.

"RED DIAMOND PLUS" МЧЖ (ИНН 301019076) "MULTIFOODS" МЧЖ билан бирлаштирилди. "RED DIAMOND PLUS" МЧЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича "MULTIFOODS" МЧЖ жавоб беради. Манзил: Тошкент ш. Мирзааҳмедов кўч. 20-б уй.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (29.07.2011 й., реестр № 0110283) рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Хикматов Олимжон Ғайратовичга (ИНН 449529971) тегишли думалоқ муҳр ва Гувоҳнома (Патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 006216-09-01, 03.09.2012 й.) рўйхатдан ўтган "IDEAL COSMETICS" МЧЖ (ИНН 302375308) фирма номи "IDEAL GOODS" МЧЖга ўзгарганлигини маълум қилади. Тел.: (8590) 113-90-92.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (21.09.2012 й., реестр № 005360-01) рўйхатдан ўтган "ART MOBILE SERVICE" МЧЖга (ИНН 302388425) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат O'R-B № 0100857 о среднем образовании выданный 2002 г. школой № 101 г. Ташкента на имя Истамова Андрея Александровича, считать недействительным.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти томонидан 05.07.2008 й.да Усмонов Зафар Турсунович номига берилган М № 038375 рақамли магистр дипломи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!
Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд
● Экскаватор-погрузчик ЭП-Ф-П (Б) бульдозер
● Бульдозер погрузчик БЛ-750
● Экскаватор-погрузчик цепной ЭП-Ф-Ц
● Асфальторез ● Подъемник БЛ-09
● "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
● Запасные части к тракторам "Беларусь"
● Шины различных моделей
маҳсулот сертификатланган
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

АГРОТЕХНИКА
~ Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
~ Боғ ва ферма учун тракторлар
~ Гусеницали тракторлар
~ Пресcподборшик
~ Ғўзапоя ўрадиган комбайн
~ Ўт ўрадиган комбайн
~ Макка ўрадиган комбайн
~ Жўхори йиғувчи комбайн
~ Косилка КИР 1,5
~ Сомон йиғувчи мосламалар
~ Картошка терадиган комбайн
~ Картошка экадиган комбайн
~ Буғдой экадиган сеялка
~ Пахта экадиган сеялка
~ Дори сепадиган мосламалар
~ Сачратиб суғорувчи мосламалар
~ Ем майдалаб тарқатувчи техника
~ Культиваторлар
~ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
~ Чизель, борона
~ Экскаватор погрузчик, бульдозер
~ Траншеекопатель, ямобур
(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST Маҳсулот сертификатланган
Буюртма асосида

Тошкент ш. Учтепа т. ҳокимияти ТСРЎИ томонидан (10.10.2013 й., реестр № 006072-01) қайта давлат рўйхатидан ўтказилган "MAR-PAK" МЧЖ (СТИР 204052386) таъсисчисининг қарорига кўра ихтиёрий равишда тугатилаётганини маълум қилади. Даъволар икки ой давомида Тошкент ш. Учтепа т. Заргарлик кўч. 23 "А" уй манзилида қабул қилинади. Тел.: 216-84-06, (90)189-09-55.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 004441-07, 25.04.2013 й.) рўйхатга олинган Ҳамза т. Железнодорожная 2-тор кўч. 67-уйда жойлашган "SHARQ QANDOLAT SHIRINLIKLARI" оилавий корхонаси (СТИР 302590380) тугатилади (тугатиш тўғрисидаги таъсисчи баённомаси № 1 27.08.2013 й.). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2-ой муддатда 516-46-31 тел. орқали қабул қилинади.

"KALIBRI AVTO SERVIS" хусусий корхонаси (СТИР 300462991) "KALIBRI AVTO SERVIS" оилавий корхонасига ўзгартирилади.

"ULKAN BUNYODKOR" МЧЖ (ИНН 301009040) Устав фонди 166 225 000 сўмдан 6 100 000 сўмга камаяётганини маълум қилади.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "ACTIVE-TRANS" МЧЖнинг Устав фонди 30 404 974 сўмдан 8 556 099 сўмга камайтирилганини маълум қилади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (31.05.2013 й., реестр № 001974-01) рўйхатдан ўтган "IMPEX TRANS SERVICE" ХКга (ИНН 300681783) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркор Кашкенбаева Салтанат Нурмухамедовнага тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Поставка и продажа тракторов МТЗ и сельхоз.техники производства Беларусь.
Гарантия Лизинг
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 177-08-50, (99895) 170-08-50.

Заводские запчасти для тракторов МТЗ Производство Беларусь
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
тел.: 99895 170-32-52

Продажа всех видов шин для грузовой и сельскохозяйственной техники.
Приглашаем к сотрудничеству региональных дилеров.
Товары сертифицированы, услуги лицензированы.
Тел.: (99895) 199-10-33, (99893) 377-13-95.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин КУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 401-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган – (+99890) 278-95-87; Фарғона – (+99890) 407-76-03; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.САЙДИСЛОМОВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. | Буюртма Г-1214, ҳажми 2 босма табоқ. | Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. | Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 21.50 15198 нусхада босилди. Нашр индекси — 144 | Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй | E-mail: info@qishloqhayoti.uz | Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. | "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. | 1 2 3 4 5